# «ЛАББАЙХЎЖА»

(Ҳажвия)

Туман кўламидаги бу ташкилотда айтарли кўп киши ишламайди. Ҳамма бир-бирини яхши танийди. Ҳеч ким бу ерда бир-бирига Фалончи Фалончиевич деб мурожаат этмайди, оддийгина — Фалончи ака, Фалончи опа — тамом вассалом. Лекин яқиндан бери улар учун бир жумбоқ пайдо бўлди. Гап шундаки, Саъмиғжон деган киши ишга олинибди. Йигирма беш билан ўттиз ёш ўртасидаги бу йигитнинг қаердан келганини ҳеч ким айтиб беролмайди. Кимдир уни гапга солгудек бўлиб, бир-икки савол берса:

— Кечирасиз, жўра, шошиб турибман, хўжайиннинг муҳим топшириқлари бор. — дейди-ю, шипиллаганча йўрғалаб қолади.

Шуниси борки, ким унга мурожаат этса, албатта «лаббай» деб жавоб беради. Шу сабаб бўлдими, кўпчилик у ҳақида гапирганда исмини айтмай «ану Лаббайхўжа бор-ку» деб гапирадиган бўлиб қолган. Ҳар сафар бошлиқ қабулхонасига кирганда айтадиган гапи шу:

— Ҳурматларим бўлсин сизга, қошлари қора, кўзлари шаҳло, Холидахон!

Котиба беихтиёр ўрнидан туради, таъзим бажо айлайди.

— Баракалло, синглим, омон бўлинг. Хўш... Ҳаммамиз учун ҳурматли валинеъматимиз ўзларидами? — сўрайди у кўзларини пирпиратиб. Тасдиқ жавобини олгач, овозини бир парда пасайтириб сўзида давом этади: — Кеча ўта муҳим топшириқ бергандилар, ўшанинг натижасини айтиб қўйишим керак.

Бу сафар у бошлиқ олдида ҳаяллаб қолди. Холидахон бошлиқ ҳузурига кирмоқчи бўлаётганларга Фалончи аканинг ҳозир жуда муҳим иш билан банд эканликларини алоҳида таъкидлаб гапирарди.

Ниҳоят Саъмиғжон қабулхонага чиқди. У Холидахонга яқинлашиб, ўша сирли товушда деди: «Хўжайин яна муҳим топшириқ бердилар, мен ўша билан банд бўламан, мени йўқламанглар». У шу сўзларни айтди-ю, одатдагидек липиллаганча чиқиб кетди.

Шу десангиз, ойлар кетидан ойлар ўтса ҳам ҳеч бир кимса аслида Лаббайхўжа қандай юмуш билан юрганлигини қанча тиришса ҳам билолмади.

Орадан кўп ўтмади. Идорага янги бошлиқ тайинланди. Уч-тўрт кун ўтгач, у ходимларни чақириб, яқиндан таниша бошлади. Гап Лаббайхўжага келганда нима иш билан шуғулланишини сўради.

— Биласизми, — деди у чайналиб, — менга у киши, яъни Султон акамлар, ўзларининг алоҳида топшириқларини берардилар.

— Ўша алоҳида топшириқ нима эканлигини билсак бўладими, балки бизга ҳам маъқул келиб қолар?

— Мени кечирасиз, бу у киши билан ўртамиздаги сир, айта олмайман, маъзур тутасиз, — деди Саъмиғжон.

— Хўп майли, бу сир дейлик, лекин бу идорада қайси масала билан шуғулланасиз, шуни билсам бўладими?

— Биласизми, — Лаббайхўжа энди гапира бошлаган эди телефон шитоб билан жиринглади. Янги бошлиқ гўшакни олиб аввалги сиполик билан «эшитаман» деди. Гаплашаётган ким эканлигини билгач, бутун борлиғи ўзгариб кетди.

— Эй, Султон Раҳмонович, яна бир бор қуллуқ бўлсин бу янги, катта лавозимлар, жуда хурсанд бўлдик. Ахир туман миқёсидан вилоятга кўтарилиш осонмас. Қутлуғ бўлсин, буюрсин. Туманга тегишли қандай топшириқлар бўлса, мана биз ҳозиру нозир.

Султон Раҳмоновичнинг номини эшитиши билан Лаббайхўжа яйраб кетди. Янги бошлиқнинг тиғдек-тиғдек саволлари олдида каловланиб ўтирган эди, мана халоскори, суянчиғи бир дақиқада ҳамма жумбоқларни ечди-қўйди. Ишқилиб бахтимга омон бўлсинларда, деб кўнглидан ўтказди Лаббайхўжа.

Янги бошлиқ эски бошлиқ билан анча гаплашгач, гўшакни жойига қўйди.

— Бу, ука, ҳақиқатдан ҳам сиз Султон Раҳмоновичга жуда зарур одам экансиз. Энди сиз ҳам вилоят ташкилотида у киши билан бирга ишлайдиган бўлдингиз.

Мана, Саъмиғжон вилоят ташкилотида ҳам худди аввалгидек, қабулхонага кирар экан, баландпарвоз руҳда дейди:

— Ҳаммамиз учун бениҳоя ҳурматли валинеъматимиз ўзларидами, — буёғи яна ўша эски гаплар.

Орадан бир неча йил ўтди. Султон Раҳмоновични қайси бир вазирликнинг бошқарма бошлиғи вазифасига тайинлашди. Вилоят ташкилотидагиларнинг ҳаммаси ўз хизмат бурчи билан банд. Фақат Лаббайхўжа Тошкентдан бўладиган телефон жиринггини кутяпти. Эрта-индин янада каттароқ мансабга илашиб кетадигандек безовта...

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ**

# «Мевасабзаветбанк»

**ўз акциядорлари ва республикамиз халқини кириб келаётган Янги йил байрами ҳамда келгуси йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши билан чин дилдан табриклайди. 2000 йил 9 январда бўладиган мамлакатимиз Президентлигига сайловда фаол иштирок этиб, истиқлол ва истиқболимиз учун толмас курашчи номзодига овоз беради.**

**«Мевасабзавот» давлат-акционерлик тижорат банк бошқаруви.**

# «ЎЗАГРОКИМЁТАЪМИНОТ»

## ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ



**2000 йил 9 январда**

**бўладиган мамлакатимиз Президентлигига сайловда фаол иштирок этиб, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган муносиб номзодга овоз берадилар.**

***Мустақил мамлакатимиз халқини кириб келаётган Янги йил — Соғлом авлод йили билан ҳам чин юракдан табриклайди.***

**Юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий тотувлик, ишларига ривож тилайди. Янги йил мамлакатимиз иқтисодиётида, шу билан бирга қишлоқ хўжалигида ҳам омадли йил бўлади, деб умид қилади. Янги йилда қишлоқ хўжалигига барча турдаги хизматларни кўрсатиш, халқимиз дастурхонини яна ҳам файзли қилиш йўлида беминнат хизматларини аямайдилар**



Онадан ногирон бўлиб туғилганман. Одамларнинг меҳр-мурувватига муҳтожман. Ногиронлар коляскаси сотиб олинишида саҳийқалб, ҳимматли кишилар мадад беришларига умидворман. Тадбиркорлар, фирма ёки корхоналардан бири шу масалада ҳомийлик қилишларини сўрайман. Сизларга мурожаат этувчи — биринчи гуруҳ ногирони **Р. Ҳакимзянов. Телефон: 64-37-10.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «PROK» масъулияти чекланган жамиятнинг йўқолган муҳри **бекор қилинади.**

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси «Самарқандшаробсавдо» базаси директори М. Ҳамроевга ўғли **Бахтиёр ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Олим АТАЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ (ижодий гуруҳ раҳбари), Эркул ЗИКРИЁЕВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Собир МУРОДОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосарлари), Маъмуржон ҚИЁМОВ (масъул котиб).

**МУАССИСЛАР:** ***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.***

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43,** масъул котиб — **136-56-26,** ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — **133-09-93,** ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ, молиявий хизмат — **136-56-30,** макроиқтисодиёт — **136-56-25,** маънавият-маърифат ва спорт — **136-54-42,** хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — **136-56-30,** реклама ва эълонлар — **136-54-44.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**

**Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0989, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.30 1 2 3 3 4 6.**